

Илк мусулмонлар



10:30 / 11.12.2019 3621

Исломга биринчи бўлиб Хадийжа онамиз кирдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари бўлишлари билан бирга, Аллоҳ таолога ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи иймон келтириш шарафига ҳам муяссар бўлдилар. Шу билан бирга, иймон йўлида улкан хизматлар қилдилар.

Балоғатга етмаган ёшлардан биринчи бўлиб Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу иймонга келдилар. У киши ўша пайтда ўн ёшда эдилар. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг оталари Абу Толиб қийналиб қолгани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Алийни ўз қарамоқларига олган эдилар.

Собиқ қуллардан биринчи бўлиб Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу иймонга келдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуллари

эди. Аммо у зот уни озод қилиб, ўғил тутган эдилар.

Катта кишилардан биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху иймонга келдилар. У киши Қурайш қабиласида катта обрўга эга эдилар. Ўткир ақллари, мурувватлари, адолатлари ва бошқа олий сифатлари учун кўпчилик Абу Бакр розияллоху анхуни яхши кўрар ва ҳурмат қилар эди.

Абу Бакр розияллоху анху ўзлари иймонга келганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан нима иш қилиш кераклигини сўрадилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Одамларни Исломга даъват қилинг», дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхунинг дастлабки даъватлари самараси ўлароқ, ўша пайтда Қурайшнинг шарафлиларидан бўлган, кейинчалик саҳобаларнинг улуғларига айланган ва жаннатга киришларига башорат берилган ўн кишининг бешнафари – Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Талха ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхум иймонга келдилар.

Яширин равишда олиб борилаётган даъват таъсирида аста-секин бошқалар ҳам Исломга кира бошладилар.

Дастлабки мусулмонлар ичида Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Салама ибн Абдуласад, Арқам ибн Абул Арқам, Усмон ибн Мазъун, Убайда ибн Ҳорис, Саъид ибн Зайд, Хаббоб ибн Арат, Жаъфар ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Аммор ибн Ёсир, Сухайб Румий каби эркалар ва бир неча аёллар бор эди.

Дастлабки мусулмонлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан яширин равишда учрашар эдилар. Улардан бирор киши ибодат қилмоқчи бўлса ҳам, ҳеч ким кўрмайдиган пана жойга беркиниб ибодат қилар эди.

Биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилганлар ичида турли тоифадаги эркак ва аёллар бор эди. Кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган бу мусулмонлар ичида обрўли бойлар ҳам, камбағаллар ҳам, араблар ҳам, араб бўлмаганлар ҳам, аслзода қурайшликлар ҳам, бировнинг қули бўлганлар ҳам, осиеликлар ҳам, оврўполиклар ҳам, Африкаликлар ҳам бор эди. Бундан Ислом барчанинг дини, тенглик дини, биродарлик дини, адолат дини, инсонпарвар дин экани кўриниб турарди.

Муҳаққиқ уламоларимиз ўша пайтларда мусулмонларга икки маҳал икки ракатдан намоз ўқиш фарз бўлганини таъкидлайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларни Исломга уч йил давомида яширинча даъват қилдилар. Муслмонлар бу давр мобайнида кофирлардан ўз иймонларини беркитиш учун барча чораларни кўрар эдилар. Уч йилдан сўнг, янги муслмонларнинг иймони сайқал топиб бўлганидан кейин Исломга ошкора даъват қилиш фурсати етди.

«Ислом тарихи» биринчи китоб